

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 19 март, Душанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (10.861)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Молия вазирлигида, бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идораларда ҳамда Сурхондарё вилоятида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти натижалари қўриб чиқилди.

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Адолат» ва «Мовароуннахр» нашриётларидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

●Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Иқтидорли қизларнинг фаоллигини ошириш — жамиятда сиёсий етуқликни таъминлаш гарови сифатида» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юрларида тахсил олаётган иқтидорли талаба-қизлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти, Президент стипендияси соҳиблари ва бошқа танловлар голиблари қатнашди.

●Мамлакатимизда сайёҳлик мавсуми бошланди. Урганч халқаро аэропортига Австрия, Швейцария, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларидан сайёҳларни ўз ичига олган Австрия авиакомпаниясининг «Бонинг-737» самолёти келиб қўнди. Жорий йилнинг 11 майгача Австриянинг турли шаҳарларидан Самарқанд ва Урганчга ана шундай 8 та махсус авиақатнов ташкил этиш режалаштирилган.

●«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида Республика Болалар кутубхонаси ташаббуси билан Тошкентдаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун «Наврўз—тинчлик тимсоли» номи хайрия тадбири ўтказилди.

●Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазирлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун Наврўз совғаси сифатида берилган 48 квартирани янги уйнинг фойдаланишга топширилиш маросимида ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

●Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида «Малабар-Силк» Ўзбекистон—Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси иш бошлади. Эндиликда туманда ишлаб чиқарилаётган 214 тоннадан ортиқ пилланинг 120 тоннаси шу ерда қайта ишланиб, калава ҳолида четга экспорт қилинади.

●Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» ҳамда Бобур халқаро жамғармаси муассислигида таъсис этилган «Фермер» ижтимоий-иқтисодий журналининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

●Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги «Мунис-Умида» хусусий босмахонасига Германиянинг «Резограф» технологияси ўрнатилиши натижасида тумандаги тадбиркор ва фермерлар, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар, аҳоли учун сифатли матбаа хизмати кўрсатиш имконияти юзга келди.

ЖАҲОНДА

●Ироқдан америкалик ҳарбийларни олиб чиқиб кетиш режаси ва муддати тўғрисида демократлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини АҚШ Сенати тасдиқламади.

●Чеченiston Президенти Рамзан Қодиров Республика Конституциясига ўзгартириш киритиш ташаббуси билан чиқди. У ўлкадаги ижтимоий ва сиёсий ҳаётни шу йўл орқали қайта тикламоқчи.

●Ироқдаги урушнинг 4 йиллиги муносабати билан АҚШда ва Испанияда ушбу мамлакатдан Америка ҳарбийларини олиб чиқиб кетишни талаб этувчи кўп миң кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

●Абхазияда 17 та округ бўйича парламент сайловларининг 2 босқичи бўлиб ўтди. Мавжуд қонунга қўра сайловларда оддий кўпчилик овоз олган номзодлар депутатликка сайланадилар.

●Франциянинг Тулуза ва Германиянинг Франкфурт шаҳарларидан кеча 2 та замонавий «А-380» аэробуси Атлантика океани узра АҚШга синов парвозларини амалга оширди.

●Ироқда янги террорчилик воситаси—газсимон хлор тўлдирилган 2 та бомбанинг портлатилиши натижасида 350 га яқин киши жабрланди.

●Кеча Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида музейга 1990 йиллар ўрталарида ва Толибонлар ҳаракати ҳуқуқат тепасига келганда талон-тарож қилинган 1400 дан ортиқ осор-иқтисод қайтарилди.

●АҚШда электр энергия сурф-ҳаракатларини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида бу йилги ёзги вақтга ҳар доимгидан уч ҳафта аввал ўтилди, яъни соат миллиари бир соат олдинга сурилди.

●Хитой оммавий ахборот воситалари шу йил июнь ойида мамлакатда биринчи шаҳарлараро метро йўналишининг қурилиш ишлари бошланиши ва у Гуанчжоу ҳамда Фосань шаҳарларини боғлаб, соатига 40 миң кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланаётгани ҳақида хабар таққатди.

«Жаҳон» АА Париж

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




НАВРЎЗ ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

ЎЛКАМИЗГА ФАСЛИ НАВБАҲОР КИРИБ КЕЛДИ. БУТЎН ОЛАМ ГЎЗАЛЛИККА БУРКАНДИ. КЎМ-КЎК МАЙСАЛАР, ҚУШЛАР ЧУГУРИ, ЯЛПИЗЛАРНИНГ ХУШБЎЙЛАРИ, ЎРИК-БОДОМНИНГ ОПОҚ ГУЛЛАРИ ОНА-ТАБИАТНИНГ ХУСНУ ТАРОВАТИНИ БУТЎН ОЛАМГА КЎЗ-КЎЗЛАБ, КЎНГИЛЛАРДА АЖИБ ТЎЙГУЛАРНИ УЙГОТМОҚДА.

Дарҳақиқат, гўзал баҳор келиши билан байрамлар байрамларга уланиб, яшашга янада иштиёқ уйғонади, озод ва обод юртинг фуқароси эканидан дилда фахру гурур туйди киши. Эрта-индин халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ажодларимиздан қолган бекиёс миллий қадриятлар, эзгу аънаналар, урф-одатлар, меҳр-оқибат байрами — Наврўзи оламни дилда шукроналик билан кўтиб оламиз. Гўзаллик, қадр-қиммат, бағрикенглик ва саховат айёминини интиқлик билан кутаётган бир гуруҳ ҳамшаҳарларимиз «Сиз Наврўзи қандай кўтиб оляпсиз?» деган савол билан мурожаат қилдик ва Ватани ютуқларидан қувонган, унинг обод ва фаровон бўлишига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшиб келаётган замондошларимизнинг дил сўзларини келтириб ўтамиз.

●**Комилжон ҚАЮМОВ,** Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбировод» маҳалласи фуқаролар йиғини расиси:

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ



— Ҳар йили баҳор келишини, қўшалок байрамларнинг шодиёналик билан нишонланишини соғиниб кутамиз. Чунки обод юртга, тинчлик-осудалик ҳукм сураётган Ватанга, яхшилик, олижаноблик, саховат бор бўлган маҳаллага байрам ярашади. Йил мобайнида бир-биримизни қўлашга, йиқилганини суяб, ёрдамга мутожларга кўмак қўлини чўзишга интилиб келамиз. Кечагина катта байрам дастурхонини ёзиб ҳаётимиз кўрки, мазмуни бўлган онажонларимиз, мунис аёлларимизни кутладик. Эртага эса Наврўз ҳаётидан мамнун бўлган инсонгина эртасининг янада яхшироқ бўлишига интилади, ҳаракат қилади. Юртимиз тинчлиги, осойишталиги, Президентимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари барча яхши ишларимизга қанот бўлмақда, деб ўйлайман.

●**Шаҳноза ЭРҒАШЕВА:**
1-Тошкент педагогика коллежи талабаси:
— Эрта тонгда деразадан қараб ўригимиз-

нинг оппоқ гулларга бурканганини кўрдим. Хайратдан кўнглим, бутун борлигим ёришиб кетди. Баҳор кириб келиши билан ҳаммаёқ гўзалликка ошуфта бўлади, кўм-кўк майсалар, хушбўй гулларнинг ифориҳидан дил яйрайди. Коллежимизда ҳам бу вақтда буюқ қадриятларимиз гултожи бўлган Наврўзи оламни кўтиб олишга катта тайёргарлик бошланиб кетди. Биз ҳам унда қатнашамиз, урф-одатлар, аънаналаримиз ҳақида кўпроқ билгимиз, ўргангимиз келади. Биз учун севимли Наврўз айёминини интиқлик билан кутмоқдамиз.

●**Наталья ШИМАНФИ:**
Мирзо Улугбек тумани, пенсионер:

— Наврўзи олам арафасида қувонч, шодлик инсонга ҳамроҳ бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу байрамни соғиниб кутаман. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди, кўк босмаю чўчвара, баҳор таомлари дастурхонларни безайди, ҳамма бир дастурхон атрофида ўтириб ҳол-аҳвол сўрашади, дардига малҳам бўлиб кўнгил кўтаришади. Маҳаллаимизда ўзбек, қозок, татар, рус ва бошқа турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тинчлик-тотувликда яшайди. Ҳар бир миллат вакилининг урф-одат ва аънаналари, миллий қадриятлари ҳурмат қилинади, унинг янада ривожланиши учун эса барча зарур

шарт-шароитлар яратилган. Шу сабабдан ҳам ҳар биримиз она Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш иштиёқи билан яшаймиз, меҳнат қиламиз. Топлеи баланд юртимизда ҳаммаша тинчлик, осудалик ҳукм суришини, бағрикенглик, саховат, олижаноблик фазилатлари ҳеч биримизни тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

●**Руфат НЕЪМАТОВ,** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси:

— Орузларим ушалиб талабалар сафидан ўрин олдим. «Халқаро журналистика факультети»да тахсил оляпман, касбимнинг сирасорларини мукамал эгаллашга ҳаракат қиламан. Ниятим — хоризга чиқиш, тажриба алмашим, мустақил Ўзбекистонимизни, унинг иқтидорли, изланувчан, буюқ болболари униб-ўсишишда, таълим-тарбия олишимиз учун Юртбошимиз бошчилигида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Биз улардан унумли фойдаланишимиз лозим. Барчага янги кун, Наврўзи олам муборак бўлсин.

Кеска сатрларда

●**ТОШКЕНТ** шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Хуқуқий давлат ва қонун устуворлиги» мавзусида ўтказилган хуқуқий тарғибот тадбири Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорликларида уюштирилди.

●**МИРЗО** Улугбек туманидаги «Янгибод» маҳалла гузарига қизил Ярим Ой жамиятининг туман Кенгаши ҳамкорлигида Наврўз айёмига бағишлаб туманда яшовчи ёлғиз қариялар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири «Меҳр кўзда» деб номланди.

●**БУГУН** Хамза туманидаги «Янгибод» маҳалла гузарига маҳалла фаоллари иштирокида яқинлашиб келаётган Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган тадбир «Наврўз—тинчлик элиси» деб номланди.

●**ЮНУСОБОД** туманидаги 271-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Ассалом, Наврўзи олам» мавзусида тадбир ўтказилди.

●**БАДИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида «Дентал салоҳ Ўзбекистон» деб номланган стоматология технологиялари учинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон ва Франция: Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

диётига сармоялар олиб киришига, юртингиздаги ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолият олиб борамиз.

●**МЕДЕФ-Интернэсонал** ташкилоти вице-президенти Тьерри Куртэн фикрича, Ўзбекистон Франция учун Марказий Осиёдаги муҳим давлатдир.

— МЕДЕФ — иқтисодиётнинг турли йўналишлари бўйича 700 миңдан ортиқ француз корхоналарини ўз атрофида бирлаштирган йирик ташкилот ҳисобланади, — дея фикрини давом эттирди Т.Куртэн. — Узаро ҳамкорликнинг янги имкониятларини ҳаётга изчил тадбиқ этиш мақсадида яқинда ўзбекистонлик тадбиркорлар делегациясини қабул қилдик. Шунингдек, жорий йилда Хукуматлараро қўшма комиссиянинг учинчи йиғилиши доирасида ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон делегациясини кўтиб оламиз. Уйлайманки, алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланиб бориши икки мамлакат учун ҳам бирдек манфаат келтиради.

●**ЮНЕСКО**нинг таълим соҳасидаги лойиҳалар бўйича де-

партаменти директори Ашхад Хусайнинг фикр билдиришича, истиқлол йиллари давомида Ўзбекистон ўз ҳудудида жойлашган жаҳон маданий меросини сақлаш ва уларни қайта тиклаш борасида улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йиллари ЮНЕСКО делегациясини таркибиде юртингизда бўлган эдим, — дейди А.Хусайн. — Шу боси мен мамлакатимизнинг 15 йиллик ривожланиши ҳолатини таққослаш имониде эгаман. Утган давр мобайнида республикада Президент И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилган оқилона сиёсат тўғрисида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳаларида катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон ҳаммаша цивилизациялар чорраҳасида бўлиб келган. Халқингиз инсоният цивилизацияси тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюқ олим ва мутафаккирлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биз яхши биламизки, мамлакатда таълим-тарбия ва маънавият масаласига, ўсиб келаётган ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол авлод сифатида камол топтиришга алоҳи-


да эътибор қаратилаётир. Бу келгусида ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

— Бугунги тадбир мамлакатларимизини илик, дўстона муносабатлар боғлаб турганининг яна бир тасдиғи, — дейди «Франция-Европа-Осиё» француз институти директорининг ўринбосари, «Ибн Сино - Франция» уюшмаси Бош котиби Алис Юссен. — Тарихан қисқа давр ичиде республикада рўй берган улкан ўзгаришлар жараёнини кузатишдан бешад жамнунимиз. Яқинда биз, бир гуруҳ делегация бўлиб Ўзбекистонга борамиз. Қўхна Самарқандда ўзбек халқи билан бирга нафосат ва гўзаллик байрами — «Наврўз»ни кўтиб олмақчимиз. Ҳамкорлик борасида мамлакатларимизнинг ҳали фойдаланилмаётган имкониятларини кўп. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен Франция сиёсатшунослари жамоатчилиғи бундай олоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР,
ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ,
ТАБАРРУК ОТАХОН ВА
ОНАХОНЛАР!**

Барчангизга меҳр-оқибат,
қадр-қиммат, хайру саховат
айёми—Наврўзи олам муборак
бўлсин. Элу юртимиз обод,
хонадонимиз тинч,
дастурхонимиз тўкин бўлсин,
кўнгилларимиз нурга,
омборимиз донга тўлсин.
Табаррук кексаларимизнинг
қўллари ҳамиша дуода бўлиб,
Мустақиллик қуёши ўзининг
сахий нурларини она-
Ўзбекистонимиз узра абадий
сочаверсин.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар
Кенгаши ва «Маҳалла»
жамғармаси



*Муҳтарам
ҳамшаҳарлар ва гўзал
пойтахтимизнинг
АЗИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!*

*Ўзининг қўнғуз қадами билан ўлкамизга қариб
келадиган Янги кун — Наврўз байрами билан сизларни
самимий табриклаймиз.
Ҳамиша узрингиз яқин, йўлларингиз ойдин бўлсин!*

**«3-автобус саройи»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**UZMAL
OIL**

«ЎзМал Оил»

ЎЗБЕКИСТОН-МАЛАЙЗИЯ
ҚўшМА КОРХОНАСИ

Дунёдаги гўзал ва сўлим шаҳарлардан
бири — азим пойтахт аҳлини ҳамда
меҳмонларини янгилашиш, яшариш,
эзгулик, нафосат байрами —

**Наврўз
айёми**

билан самимий
муборакбод
этади.

Наврўз
табиатнинг уйғониш
фасли, умумхалқ байрами,
меҳр-мурувват,
орзу умидлар рамзидир.

Шундай экан, бу баҳорий
айём хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака, қалбларингизга
эзгу туйғулар ва қувонч
олиб кирсин.

**Байрамингиз қўнғуз бўлсин,
азизлар!**

**«ТАБАССУМ ҚАНОЛАТЛАРИ»
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
ТАДБИРКОРЛАРИ**



барга ватандошларимизни гўзаллик
ва нафосат байрами—**НАВРЎЗИ**
олам билан гин қалбдан қўнғилайди.

Байрам кайфиятингизни
кўтаришдан беҳад мамнун
ҳолда қанолатпазларимиз меҳ-
натни билан тайёрлаган
шириндан шакар маҳ-
сулотларимизни файзли
дастурхонингизга тортиқ этамиз.

Маҳсулотлар
сертификатланган

Тел. 331-48-80;
293-83-31



ОЗ-ОЗ ҲАМДАСТ ДОНО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН— ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

Саодатманд ул йигитдурким, шаҳватга майл қилмас ва бесаодат қарининг илгиғидин худ ҳеч иш келмас.

Ҳайвоний нафси томонига майли бўлмаган йигит бахтлидир ва бесаодат қари кишининг қўлидан ҳеч иш келмайди.

Сафиҳ золим ила бўлма уза ҳамдаст, Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақликқа. Бировларга зулм қилувчи ноаҳил кишилар билан ақинлашма (бир дастурхонда ўлтирма), ит билан қошиқ солишиш (ҳамтовок бўлиш) номуносибдир.

Саъй ишиким ўз ўрнида бўлмағай, Қилур ишда қохиллиқдин ёмонроқ. Ўз ўрнида бўлмаган тиришқоқлик суст ишлагандан ҳам ёмонроқдир.

Сарваким, ул тўғри чекиб қоматин, Қўрмайин особи замон офатин. Сарв дарахнинг қуримай қўқариб туриши тўғрилиғининг (тикка ўсиши) натижасидир.

Сенга бор эса сўз билурдин мазок, Узум сари боқма, сўзум сари боқ. Агар сенда сўз моҳиятин била олишлик қобилияти бўлса, узимга боқма, сўзимга боқ.

Синса қаламнинг шақидин бир учи, Ожиз ўлур нома рақам қилғучи. Қаламнинг бир учи синса, котиб ожиз қолади.

Сўралдиким, не нимадурким фойдаси барча халойикка етар, дедиларким, ёмонларнинг йўқлиғи.

Фойдаси ҳамма халққа тегадиган нарса нималиғи текширилганда «ёмонларнинг бўлмаслиғи» деб жавоб қилдилар.

Сўзки, маънисиди ишқ ўти нишони бўлмағай, Бир таҳарруксиз бадан англаки, жони бўлмағай.

Мазмунидан завқланиш бўлмаган сўз жонсиз жасад кабидир.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини, Қўрма ким дер уни, кўргилким, не дер. Сўзловчига боқма, сўзига боқ.

Ким гапирганига эмас, нима деганига боқ. Сўздин кишига ғаму бало ҳосилдур, Хар нукта тили деса, бало дохилдур.

Кишига етадиган бало ва ташвишлар сўздандир. Сипах хотирин лутф ила шод қил, Раиятни адл айлаб, обод қил.

Аскарлар кўнглини марҳамат билан севинтир, халқни одиллик билан қувонтир.

Сипохи қачон шаҳга толибдур, Адувсига шак йўқки, голибдур. Аскарлар ва умуман ҳарбий ходимлар шохни истайдиган бўлган, у шохнинг ўз душманларини енгшига ҳеч шубҳа йўқ.

Сувда ҳубоб ўлса дамингдин хароб, Мумкин эрурму ясамоғлик ҳубоб. Ёмғир сувлари йиғилган жойда пайдо бўлувчи сув пуфағи (ҳубоб) пуфлаш билан учеди, лекин учгандан сўнг худди шунинг ўзини ясаш мумкин бўлмайди.

Сақол оқи ўлумга пешравдур, Тириклик сабзаси узра қиравдур. Соқолга оқ тушиши ўлимнинг яқин келаётганидан нишондир. Бу худди тириклик майсаси узра қўнган қировга ўхшайди (Яъни киши келаётганидан дарак беради).

Ситамдин, бас, иликни чекмак авло, Вафою меҳр тухмин эҳмак авло. Жабуру ситамдан қўл тортиш, вафою меҳр уругини экиш афзал.

Сўзим, дард чошнисидин харорати бўлмағай, нурсиз шам бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Дардга йўғрилиб, харорат касб этмаган сўзини нурсиз шам ва етакисини йўқ жамоат деб бил.

Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Саховат инсоният боғининг мевали дарахтидир, балки у дарахнинг фойдали мевасидир.

Саховатсиз киши—ёгинсиз абри баҳор ва роийҳасиз мушки тотор. Саховатсиз киши ёғмай ўтадиган баҳор булуту-ю муаттар хид таратмайдиған мушкка ўхшайди.

Саховат одамийга бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат ахлидин оламда юз минг футуҳ. Саховат—инсоннинг жисми бўлса, ҳиммат—унинг жони ва дунёдаги барча эъзуликлар олиҳиммат кишилар туфайлидир.

Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлик зевари басдур. Сўз бадий тасвир воситалари билан безалмаган бўлса, ҳақиқатни ифода этганининг ўзи унга зийнатдир.

Сўз ичраки, ёлгон эрур нописанд, Чў назм эттилар қилди доно писанд. Ёлгон сўз номаъқул бўлса ҳам, шеър ичиди келса, барчага маъқул бўлади.

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошқўқон кўп тойилур, кўп тойилгон кўп йиқилур. Ишда ошқўқоқ ёш ўлгон ишидур, сабр била иш қилғувчи тажрибалиғ улғў ёлғи киши ишидур.

Сайёдиннинг балиққа шаст солмоғи нафс муддаоси учундур ва балиқнинг ҳам қармоққа гирифтор бўлмоғи жуъ балоси учун.

Овчининг балиққа қармоқ ташлаши нафсини қондириш учун ва балиқнинг ҳам қармоққа тушиши очлиғидан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



НАВРҮЗ ДАРАКЧИСИ

Оллоҳга беадад шукр, ёшим улғу, етмиш тўрт йилдан буён Наврўз нафасидан баҳраманд бўлаёман. Айниқса истиқлолим тўфайли ўз жамоли, қадрини аянам кўз-кўз қилаётган Наврўзим шодиналаридан армонлар ушлайи яшариб кетаётгандекман.

Бугун ҳовли тўла неваро, чевараларим қадимдан қолган болалар томонидан айтиладиган: Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан, Ҳамма бир-бирига жигаргўш экан. Олам баббаробар кеча кўнгуз экан, Бойчечак чиқибди бугун Наврўз экан,— деган қўшиқни айтиш экан, марҳум онам айтган ривоят ёдига тушади:

Қадим замонда бойчечак табиатдаги барча ранго-ранг гуллар қатори очиларкан. Нурдан баҳраманд бўлай деб, кунгабоқардек ўғрилиб кўёшга боқаркан. Юзлари гўзал бўлса ҳам одамлар унга қараматти. Бундан хафа бўлган бойчечак: «Эй йилбобо, ҳамма гуллардан аввал мени очилтир», — деб ёлворибди. «Қишнинг сўнги қировли кунларига чидаб, кўрқмай мардона турсанми?» — дебди йилбобо. Турман, дебди бойчечак ўзига ишониб.

Шундан сўнг бойчечак табиатдаги барча гуллардан олдин очилиб, Наврўзнинг илк хўшбагарчиси бўлишга муюссар бўлибди. Одамларни Наврўз билан табриқлаб, дилларини хушнуд қилибди. Болажонлар бойчечаклардан гўлдастлар тўзиб, бир-бирларига кўз-кўз қилиб, қарияларга совага қилишадиган бўлишди. Қарилар эса «Омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, умрингизга, ризқингизга Оллоҳ барака берсин», — деб бойчечакни кўзларига суртиб дуо қилишадиган бўлибди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Санъат

ЯНГИ ҚҶШИҚЛАР ГҶЛДАСТАСИ

БАҶОР ГҶЛЛАРИНИ СОЧДИ ДУНЁГА, МАЙСАЛАР БАҶРИДА КҶДДИ БОЙЧЕЧАК. НАВРҶЗ КЕЛДИ БҶГҶН МЕНИНГ ҶЛКАМГА НОЗ УЙҚҶДАН УЙҶОДИ ТАБИАТ ДЕМАК.

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҶЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УОШМАСИДА БАСТАКОРЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ОНА ВАТАНИМИЗНИ, БАҶОРНИ, НАВРҶЗНИ МАДХ ЭТГАН БИР ҚАНЧА ЯНГИ-ЯНГИ КҶЙ ВА ҚҶШИҚЛАР ЯРАТИЛДИ.

Бу ҳақда Республика Бастакорлар уюшмаси раҳбари, Ҷзбекистон санъат арбоби Рустам Абдуллаев бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Баҳор азалдан энг сержило, мафтункор, гўзал байрамларга бой қадрли фасл ҳисобланади. — Шунингдек, бу фасл ижодкорлар учун сермахсуллиғи билан ҳам ажралиб туради. Энг гўзал шеърлар, сара мусиқий асарлар, оҳанрабо қўшиқлар айнан баҳорда дунёга келади. Доно халқимиз бежизга яратиш ва янгилашни фасли, бу—навбаҳор деб аташмаган.

— Айни кунларда Наврўз байрами муносабати билан юртимиз ижодкорлари томонидан бир қанча қўшиқлар яратилди. «Наврўзим», «Баҳорим», «Тингла булбул», «Она маҳфияси», «Навбаҳор», «Чучмома», «Ҷзбекистон баҳори», «Гул сайми», «Бухоро баҳори», «Келди Наврўз», «Дўст гўлдастаси», «Ёшлик, баҳор, муҳаббат», «Элимга ярашар Наврўзой», «Юрта тўй», «Наврўз келди», «Келди Наврўзи олам», «Ватан сен муқаддасан» каби қўшиқлар шулар жумласига киради. Мазкур қўшиқларнинг қуйини Рустам Абдуллаев, Ҷабибулла Раҳимов, Баҳролла Лутфуллаев, Дилором Омонуллаева, Бахтиёр Бозоров, Алишер Икромов, Ғани Холиқов, Ойдин Абдуллаева, Фарход Алимов каби иқтидорли бастакорларимиз басталашган.

Ҷзбекистон Бастакорлар уюшмасида бугунги кунда икки юздан ортқ бастакорлар фаолият юритади. Улар томо-

БАҶОРНИ СОҒИНИБ

Наврўздан илҳомланган адабиёт, санъат, таълим йўналиши бўйича Ҷулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлган шоирлар янги ёзган шеърларидан ўқидилар.

— Саккиз йилдирки, иқтидорли ёшларга Ҷулфия номидаги Давлат мукофоти бериб келинмоқда. — деди санъат йўналиши бўйича голибликни қўлга киритган Гулруҳ Дониёрова. — Журналистика факультетида таҳсил олиш билан бирга 2006 йилда республика Бадийи кўргазмалар залида ижодий ишмини намойиш қилдим.

Ёш ижодкорлар иштирокидаги адабий кеча доирасида «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланган китоблар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Хусан СУЛЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»



нидан яратилган қўшиқлар Муассар Раззоқова, Саида Мамадалиева, Гулбаҳор Эркулова, Гулсанам Мамазоитова каби бир қанча эл севган ва ардоқланган қўшиқчиларимиз орқали байрам кунларида халқнинг имтихонидан ўтади. Умид қиламизки, шундай улғу ва кутлуг байрам кунларида янграйдиган сернавоз, дилга роҳат ва ором бағишлайдиган, кайфиятимизни кўтариб руҳиятимизни енгиллаштирадиган қўй ва қўшиқларимиз халқимизнинг дилдан, қалб тўридан муносиб ўрин эгаллайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ҷзбекистон Бастакорлар уюшмаси номидан, барча юртдошларимизни кириб келаётган Наврўзи олам байрами билан чин юракдан табриқлаймиз.

Гулчехра ДҶРДИЕВА

Спорт янгиликлари

«ҚУРУВЧИ»НИНГ САҶАРДАГИ ҶАЛАБАСИ

ФҶТБОЛ БҶЙИЧА ҶЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИНИНГ 1/16 ФИНАЛ БОСҚИЧИДА СҶНГГИ ЖҶФТЛИК—«ШАҶРИХОН» (ШАҶРИХОН) ВА «ҚУРУВЧИ» (ТОШКЕНТ) ФҶТБОЛЧИЛАРИ БЕЛЛАШДИ ВА НИМЧОРАК ФИНАЛГА ЙҶЛЛАНМА ОЛГАН ЖАМОА НОМИ МАЪЛУМ БҶЛДИ.

Бу йилги чемпионатда илк мартаба олий лигада тўп сураётган «Қурувчи» жамоаси раҳбарияти мавсум оралиғида таркибга Павел Бугало, Бахтиёр Ашурматов, Сергей Лушан, Патрик Агбо, Владимир Шиселев каби қатор таникли футболчиларни жалб қилган эди. Бу жамоага мамлакат кубогини учун ўтказилаётган беллашувларда ҳам анча қўл келмоқда.

«Қурувчи»нинг сафарда «Шаҳрихон»га қарши ўтказган учрашувда ҳам жамоанинги янги аъзолари ўзини кўрсатди. Уйинда ҳисобни бир неча йиллар давомида Ҷзбекистон миллий терма жамоасида ўйнаган тажрибали химоячи Сергей Лушан очди.

Бирок ўз майдонида ютқазини истамаган «Шаҳрихон» вакиллари иккинчи бўлимда З.Қарбоннинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни тенглаштиришди.

Асосий вақтда голиб аниқланмагач, мусобақа қондасига кўра, ярим соатлик қўшимча вақт бел-

гиланди. Унда «Қурувчи»нинг африкалик легионери Патрик Агбо ва Ҷзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Владимир Шиселев биттадан гол киритиб, пойтахтликларнинг 3:1 ҳисобидаги галабасини таъминлашди.

ПОЙТАХТЛИК ШАҶМАТЧИ — ГОЛИБ!

ПОЙТАХТИМИЗДА ШАҶМАТ БҶЙИЧА ҶТҚАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА ЭЛЛИК НАФАРДАН ЗИЁД 12 ЁШГАЧА БҶЛГАН ҶҶЛ БОЛАЛАР ГОЛИБЛИК УЧУН ДОНА СУРИШДИ.

Тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада 8 очко жамғарган тошкентлик шахматчи Олег Атременко барча рақибларини ортда қолдириб, чемпионлик унвонига сазовор бўлди.

Чемпионат шохуспасининг иккинчи погонаси 7,5 очко тўплаган самарқандлик Жаҳонгир Воҳидовга насиб қилган бўлса, Тошкент вилояти вакили Алишер Бекмуродов 7 очко билан учинчи бўлди.

Шунингдек кучли ўнликка кирган пойтахтлик Илья Дмитриев, Исқандар Орипов, Саидолим Ашрафонов, бухоролик Қосим Алиев, сирдарёлик Элбек Жумаев, самарқандлик Алихон Хусайнов ҳамда Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Жалолдин Маматқулов 14 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказиладиган Ҷзбекистон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЛПОНЛАР

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ёш истеъдодлар учун «Нихол—2007» мукофотининг саралаш босқичини эълон қилади. Танлов бешта номинация бўйича бўлиб ўтади: эстрада, мусика, мумтоз қўшиқ, рақс санъати, опера санъати ижрочилиғи. Танловда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар иштирок этишади. Саралаш босқичида қатнашиш бўйича Тошкент шаҳри туман ҳокимиятлари, маданият ва спорт ишлари бўлимларига мурожаат этилади.

- Маълумотлар учун телефонлар: Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси-132-26-50 Бектемир тумани-195-19-09 Миробод тумани-55-67-19 Мирзо Улугбек тумани-137-13-10 Собир Раҳимов тумани-391-66-94 Сергели тумани-58-48-82 Ҳамза тумани-196-42-50 Чилонзор тумани-367-12-76 Шайхонтоҳур тумани-142-18-20 Юнусобод тумани-135-16-59 Яқкасарой тумани-362-20-92

Ҷзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи жазони ижро этиш бош бошқармасининг 18-жазони ижро этиш колониясига қарашли кўп тармоқли Республика касалхонасига соғлиғи бўйича ички ишлар идораларида хизмат қилишга яроқли, 35 ёшгача бўлган, олий маълумотли шифокорлар хизматга қабул қилинади. Хизматга қабул қилинганлар 50 ёшда нафақага чиқши имтиёзи ва бошқа ўрнатилган тартибдаги имтиёзлардан фойдаланадилар. Бошланғич ойлик маоши 150000 сўм ва ундан юқори. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оҳанграбо кўчаси, 1-уй Хизмат телефонлари: 390-83-86, 390-36-29, 390-78-14, 390-36-17.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҶАР ҶОКИЛИГИ. Буюртма Г-206

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхат олинган. Ҷаҳми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилади ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6